

<i>Ташилот номи:</i>	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси
<i>Танлов босқичи:</i>	Сухбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (120 та)

1. “New World” МЧЖ (сотувчи) ва “Mega Stroy” МЧЖ (сотиб олувчи) ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси имзоланган. Шартномада низоларни ҳал этиш тартиби кўрсатилмаган. Бундай шартнома бўйича низо юзага келганда амалга ошириладиган чора-тадбирларни айтиб беринг.

2. “ABC” МЧЖ ва “XYZ” МЧЖ ўртасида “ABC” МЧЖга тегишли биноларни келгусида “XYZ” МЧЖга сотишни назарда тутувчи олди-сотди шартномасини (асосий шартномани) тузиш бўйича дастлабки шартнома имзоланди. Келишилган шартлар “ABC” МЧЖ томонидан бажарилган бўлса-да, “XYZ” МЧЖ асосий шартномани тузишдан бош тортди. “XYZ” МЧЖ шартнома тузиш эркинлиги принципи мавжудлигини важ қилиб кўрсатди. Бу ҳолатда “XYZ” МЧЖни асосий шартномани тузишга мажбурлаш имконияти мавжудми?

3. “Turmed” МЧЖ (сотувчи) ва “Alpha Diagnostics” МЧЖ (сотиб олувчи) ўртасида тиббий буюмларни олди-сотди шартномаси тузиш учун музокаралар олиб борилмоқда. Сотувчи товар қийматининг 15% ни олдиндан тўлашни мажбурий шарт эканлигини, акс ҳолда тегишли жавобгарликка тортилиши мумкинлигини таъкидламоқда. Ушбу ҳолат бўйича Сиздан юридик маслаҳат сўралди. Қандай маслаҳат берган бўлар эдингиз?

4. “Future Education” МЧЖ мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш лицензиясига эга бўлмасдан боғча ёшидаги тарбияланувчиларни қабул қилиш ва таълим бериш учун шартнома тузиб фаолият кўрсатиб келди. Ушбу ҳолатдан хабар топган солиқ органи ушбу МЧЖ бундай шартнома тузиш ҳуқуқига эга эмаслигини, унинг шартномалари ҳақиқий эмаслигини маълум қилди. Солиқ органи бундай ваколатга эгами?

5. “Qoramol ferma” фермер хўжалиги ўзининг фермасида таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун ўша ҳудудда яшовчи жисмоний шахсларни ишга жалб этди. Лекин ушбу фуқароларга тўланадиган хизмат ҳаққи БҲМнинг 10 бараваридан ошмаганлиги учун ёзма шартнома тузилмади. Ҳолатга баҳо беринг.

6. Япониялик тадбиркор Кенжи Таро Ўзбекистонда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона сифатида масъулияти чекланган жамияти таъсис этмоқчи. Зарур ҳужжатлар тузилиб давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза топширилганда давлат хизматлари маркази ходимлари

инвесторнинг шахсини аниқлаш лозимлигини, акс ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш имконияти йўқлигини таъкидлашди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

7. Туркиялик инвесторлар Ўзбекистонда мебель ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун Сиздан юрист сифатида очик акциядорлик жамияти ёки ёпиқ акциядорлик жамиятларидан қайси бирини танлаш ҳақида ҳуқуқий маслаҳат сўрашди. Сиз қандай маслаҳат берган бўлар эдингиз?

8. “Global Education” МЧЖ 2021 йилнинг февраль ойида давлат рўйхатидан ўтган ҳолда чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиб келмоқда. Бундан хабар топган туман солиқ органи бундай фаолият учун лицензия олинishi лозимлигини айтишди. Ушбу МЧЖнинг юристи сифатида ушбу ҳолатда қандай ҳаракат қилган бўлар эдингиз?

9. “Business center” МЧЖ (ижарага берувчи) ва “Techno Solution” МЧЖ (ижарага олувчи – устав фонди 8 миллион сўм) ўртасида офисни ижарага бериш бўйича ижара шартномаси тузилган. Коронавирус пандемияси пайтида ижарага олувчи 30 миллион сўмлик ижара тўловларини амалга оширмади. Ижарага берувчининг талабларига қарамасдан ижарага олувчи ҳозирда фирма ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли тўловларни амалга оширмаслигини маълум қилди. Ижарага олувчи шундан сўнг иқтисодий судга мурожаат этиб ижарага олувчидан ва унинг таъсисчиларидан ижара тўловларини ундириб беришни сўради. Суд қандай қарор қабул қилиши мумкин.

10. “Technogym” МЧЖ ўзининг уставида ўзининг асосий фаолияти сифатида фитнес-клуб фаолиятини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу МЧЖ ўзига тегишли бино ичида дорихона очишни режалаштириб банкдан кредит олиш учун ариза топширганда банк мутахассислари томонидан ушбу МЧЖнинг уставида бундай фаолият назарда тутилмаганлиги учун кредит ажратиш имконияти мавжуд эмаслиги айтилди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

11. “ABC” МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Президентинг 2018 йил 3 июндаги ПҚ-3831-сон қарорида назарда тутилган солиқ имтиёзларининг қўллаш тартиби бўйича тушунтириш бериш юзасидан тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган ҳудуддаги солиқ органига ёзма равишда мурожаат қилди аммо, солиқ органи юқоридаги қонун ҳужжатида назарда тутилган имтиёзларни қўлланилиши юзасидан тушунтириш бериш солиқ органи вазифасига кирмаслигини ҳамда солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби фақатгина Вазирлар Маҳкамаси ваколати доирасига киришини маълум қилди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг

12. Фуқаро А.Ярашев ўзининг яшаш ҳудудидаги давлат хизматлари марказига якка буюртма бўйича қимматбаҳо металлдан ва тошлардан заргарлик буюмларини яшаш, шунингдек, заргарлик буюмларини таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилади аммо, давлат хизматлари маркази масъул ходими ушбу хизматларни кўрсатиш фақатгина юридик шахс сифатида таъсис этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириш мумкинлигини билдириб фуқаро А.Ярашевнинг ҳужжатларини қабул қилмайди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

13. Жорий йилнинг март ойида “Келажак илм” МЧЖси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6044-сон фармонида асосан Чет тилларни ўргатиш бўйича ўқув курслари фаолиятини бошлаганлик ҳақида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади. Аммо, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги 27 мартдаги 241-сонли қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра Чет тилларни ўргатиш бўйича ўқув курслари фаолияти лицензия асосида амалга оширилиши лозимлигини ҳамда лицензияга эга бўлмасдан мазкур фаолият билан шуғулланиш қонунга зидлигини ва ушбу низомга юқорида келтирилган Президент фармони асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлигини билдиради. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

14. “Найот Pharm” хусусий корхонаси томонидан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжудлиги туфайли солиқ органи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектини олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлаб юборади ва текшириш давомида бюджет, солиқ ва валютага оид қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари аниқлаганлиги учун солиқ аудити Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилиши бошланади тадбиркорлик субъекти эса солиқ органининг фаолияти қонунларга зидлигини ва тадбиркорлик субъекти огоҳлантирилмасдан текширилиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

15. “Равнақ банк” ХАТБ бошқарувчиси Телекоммуникациялар операторларига, провайдерларига воситачилик хизматлари кўрсатиш (абонентлар ёки хизматлар кўрсатувчиларга маълумот-ахборот хизмати кўрсатиш, хизмат кўрсатувчиларнинг хизматлари учун тўловларни қабул

қилиш хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида ташкилий ҳуқуқий шакли МЧЖ сифатида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш юзасидан ДХМга мурожаат қилганда банк раҳбарлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланганлиги унга маълум қилинади. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

16. «GOLD STAR» МЧЖси иштирокчилар сони 50 тадан ошиб кетганлиги муносабати билан жамият бир йил ичида акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Аммо, жамият ушбу талабни бажармаган натижада давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши бўйича даъво қўзғатилган.

17. “ASIA PLAST” хусусий корхонаси Тошкент шаҳри, Яшнабод туман ҳокимлиги томонидан туманда Наврўз байрами муносиб равишда ташкил этилиши учун хусусий корхона пул маблағлари ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этилди. Ажаратиладиган пул маблағи миқдорининг кўплиги туфайли хусусий корхона ҳомийлик қилишдан бош тортди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

18. “Biofarmyard” кўп тармоқли фермер хўжалиги 2019 йилнинг январь ойида ташкил қилинади. Жорий йилнинг февраль ойида фермер хўжалигининг молия-хўжалик фаолиятини режали текшириш амалга оширилади ва баъзи бир ҳужжатларда камчиликлар топилиб, фермер хўжалиги раҳбари жавобгарликка тортилади. Аммо, фермер хўжалиги раҳбари ўз эътирозини билдириб мазкур режали текшириш қонун ҳужжатларига зид эканлигини таъкидлаган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг

19. “Freedom house” МСНЖ (Буюртмачи) ва “Ziyonur” (Ижрочи) ХК ўртасида товар етказиб бериш бўйича келишиб олинади(оғзаки) ва Ижрочи томонидан товар тўлиқ етказиб берилади. Аммо, Буюртмачи етказиб берилган товар учун тўловни амалга оширмай келаверади. Ижрочи Буюртмачига ўз мажбуриятни бажаришни талаб қилганда Буюртмачи келишув оғзаки бўлганлигини, шартнома имзоланмаганлигини ва шунинг учун тўлов қилишга мажбур эмаслигини таъкидлайди. Вазиятга ҳуқуқий ечим беринг

20. “Қаҳрамон” фермер хўжалиги тайёрловчи “Пахта тозалаш” АЖ билан билан пахта тайёрлаш бўйича контрактация шартномаси тузган. Хўжалик тайёрловчига контрактация шартномасида белгиланган миқдорда пахта хом ашёсини топширмаган. Тайёрловчи хўжалиқдан етказиб берилмаган маҳсулотнинг 30 фоизи миқдоридан жарима ундиришни сўраб иқтисодий судига мурожаат қилди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

21. «Saxovat universal farm» масъулияти чекланган жамиятига 2017 йил 9 октябрда тузилган №14545/13721-17-сонли лицензия битими асосан дори воситаларини ишлаб чиқариш учун №01141-рўйхат рақамли лицензия берилган. Фуқаро Сидиқова Гўзал Ахматовна томонидан 2020 йил 21 декабрда «Saxovat universal farm» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан шикоят ариза тушган бўлиб, аризадаги важларни ва дори воситаларининг сифати юзасидан буйруқ ва тасдиқланган дастур асосида текшириш ишлари амалга оширилган. Текширишда жавобгар томонидан ишлаб чиқарилган 70 % тиббиёт этил спирт сифат меъёрларига ҳамда ишлаб чиқариш талаблари жавоб бермаслиги аниқланган. Шу сабабли ариза иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга 2017 йил 9 октябрдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи №01141-рўйхат рақамли лицензияси бўйича ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

22. Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Корпоратив ягона (openinfo.uz) порталида “Косон ёғ-экстракция” акциядорлик жамияти томонидан ошкор этилган маълумотларга кўра, юқоридаги акциядорларга 2018 йил якуни бўйича куйидагича дивидент ҳисобланганлиги аниқланган. Жумладан, Шойимов Бурхон Аўуровичнинг 1738 дона оддий акцияларига 502542,7 сўм, Хажиева Ойгулнинг 1298 дона оддий акцияларига 375316,7 сўм, Хайдарова Масуда Худжаназарованинг 1298 дона оддий акцияларига 375316,7 сўм, Худайбердиев Шавкат Файзиевичнинг 1518 дона оддий акцияларига 438929,7 сўм ва Одилов Шерали Махаммадиевичнинг 1518 дона оддий ва 770 дона имтиёзли акцияларига 522089,7 сўм. Бошқарма томонидан жавобгарга мавжуд қарздорликларни 26.03.2021 йилга қадар тўлаб беришлик тўғрисида 23.03.2021 йилда 01-22/127-сонли хат билан мурожаат қилинган бўлсада, жавобгар томонидан мавжуд қарздорликлар ўз вақтида тўланмаган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

23. Каттақўрғон шаҳри, "Кунжупай" МФЙ, Суфи гузар кўчаси, 3-уйда яшовчи фуқаро Г.Рахмонованинг мурожаати 2020 йил 8 октябрь кунда вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ҳамда Каттақўрғон шаҳар СЭО марказининг мутахассислари томонидан жойида ўрганиб чиқилганда, фаолият юритаётган темирчилик устахонаси биносининг деворлари Каттақўрғон шаҳар, Суфи гузар кўчаси, 3-уйда яшовчи фуқаро Г.Рахмонованинг яшаш уйи ётоқхоналари девори билан ёнма ён қурилган бўлиб, цех фаолияти даврида ётоқхоналарда шовқин даражаси “Шовқин ва тебраниш ўлчовчи анализатор” ускунаси орқали ўлчанганда амалдаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 0267-09-сонли санитария меъёри ва қоидаларидан юқори даражада эканлиги, жумладан, шовқин даражаси меъёр кўрсаткичлари бўйича 45-55 децибеллдан ошмаслик керак бўлсада, амалда яшаш хоналарининг бирида 63, яна бирида 67 децибеллни ташкил этиши аниқланган. Каттақўрғон шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва

жамоат саломатлиги бўлими хусусий тадбиркор Журақулов Камолжон Ўлмас ўғлига санитария тавсияномасини юборган. ЯТТ Журақулов Камолжон Ўлмас ўғли ушбу тавсияларни бажармаган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

24. Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, «Real Tex Tashkent» МЧЖнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб туришни сўраган. Қонун талаблари Real Tex Tashkent» МЧЖ томонидан кўпол равишда бузилган бўлиб, «Real Tex Tashkent» МЧЖ Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётганлиги ва ҳудудда атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи фаолияти билан шуғилланиб, тегишли экспертиза хулосасини олмасдан фаолият юритган. «Real Tex Tashkent» МЧЖ пахта тозалаш ва йигириш билан шуғулланиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли қарорининг 1-илоvasи 28-бандига асосан мазкур фаолиятни амалга ошириш учун давлат экологик экспертиза хулосасини олмаган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

25. “Sogda Tur Servis” масъулияти чекланган жамияти хизмат кўрсатиш фаолият тури билан шуғулланиб, давлат солиқ инспекциясининг тақдимномасидан маълум бўлишича 6 ойдан ортиқ фаолият кўрсатмаган. Давлат бюджети ва йиғимлари юзасидан қарзи йўқ, бошқа кредиторлар олдидаги қарздорлиги мавжуд эмас. МЧЖнинг ҳисоб рақамидаги ҳаракат 6 ойдан ортиқ вақт мобайнида тўхтатилганлиги банк муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган. Банкдаги ҳисобрақамида қолган пул маблағи йўқ. Шаҳар ҳокимлиги қошидаги махсус комиссияси корхона молия-хўжалик фаолиятини юритмаётганлиги сабабли уни тугатиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулоса берган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

26. Наманган шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан «АА» масъулияти чекланган жамиятининг фаолият кўрсатаётганлиги ва мавжудлиги ўрганилган. Ўрганиш давомида МЧЖ рўйхатдан ўтган манзилида фаолият кўрсатмаётганлиги ва мавжуд эмаслиги аниқланган. Бу ишда мавжуд ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади. Давлат солиқ инспекцияси томонидан МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича банк операциялари чиқим қисмини тўхтатиб туриш тўғрисида МЧЖга хабарнома юборилган. МЧЖ томонидан хабарномага муносабат билдирилмади, давлат солиқ инспекцияси судга ариза киритиб МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишни сўраган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

27. Само МЧЖ Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар –Асл МЧЖдан 15 633 144,25 сўм қарз ва суд харажатларини ундириб беришни ҳамда ижара объектдан мажбурий чиқаришни сўраган.

Тарафлар ўртасида 2020 йил 03 январда 6-сонли бино ва иншоотлар ёки уларнинг қисмларини ижарага бериш шартномаси тузилган. Шартноманинг 1.1-бандига мувофиқ даъвогар жавобгарга Тошкентда жойлашган 1366,46 кв. метрни ижарага бериши, жавобгар “Бино-иншоот”ни қабул қилиб олиши ва белгиланган ижара тўловини тўлаш мажбуриятини олган. Мазкур шартноманинг 2.1-бандига кўра унинг амал қилиш муддати 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача этиб белгиланган. Шартноманинг 5.1-бандида кўра ҳар ойлик ижара ҳақи қўшилган қиймат солиғи билан 1.428.863 сўмни ташкил этишини жавобгар объектдан фойдалангани учун тарафлар келишувига биноан келишилган ижара тўловини ижара шартномаси тузилган кундан бошлаб ҳар ойнинг 25-санасидан кечиктирмай амалга ошириши кўрсатилган. Аммо Асл МЧЖ томонидан шартнома муддати тугаса ҳам “Бино-иншоот” бўшатиб берилмаган ва ижара ҳақи ҳам тўланмаган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

28. Само МЧЖ ва Асл МЧЖ ўртасида 11.01.2019 йилда 9Ч-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Шартноманинг 1.1-бандига мувофиқ даъвогар жавобгарга маҳсулот етказиб бериш, жавобгар эса етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳақини мажбуриятини олган. Шартноманинг 2.2-бандига мувофиқ, етказиб бериладиган маҳсулот ҳақи олдиндан брон қилиш тўғрисидаги аризага асосан 15 фоиз миқдорда ҳақ тўлаши ва маҳсулот ҳақининг қолган қисмини маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 30 календарь кун ичида тўлашга келишилган. Само МЧЖ томонидан тақдим қилинган далилларга жами 3 380 987 361 сўмлик маҳсулот етказиб берилган. Етказиб берилган маҳсулот учун Асл МЧЖ томонидан қисман 3 205 558 529 сўм ҳақ тўланган. Асл МЧЖ шартнома шартларини тўлиқ бажармаслиги ва даъвогарнинг талабномаси эътиборсиз қолдирилиши натижасида Само МЧЖ судга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

29. 2013 йил 2 мартда бўлиб ўтган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида раислик “ГВС” МЧЖ асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи “ТБА” МЧЖдан алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи автоматлаштирилган линияни харид қилмоқчи бўлди. Автоматлаштирилган линияни олди-сотди шартномаси тузилди ва асбоб-ускуналар сотиб олувчига бир вақтнинг ўзида уни сотувчига гаровга бериш билан топширилди. Ушбу шартномага кўра, сотиб олувчи сотувчига линия нархини бир йил ичида ўн иккига тенг ойлик тўлови тўлаши шарт бўлган. Биринчи тўққизта тўловлар сотиб олувчи томонидан шартномада кўрсатилган барча шартларга мувофиқ тўланган, аммо кейин “ГВС” МЧЖ сотувчига тўловларни амалга оширишни тўхтатиб қўйган. Сотувчи эса, ўз навбатида олди-сотди шартномасини бундан буён бажарилишидан бош тортиб, сотилган асбоб-ускуналарни қайтариб беришни талаб қилди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

30. «Ҳайдарбек» хусусий корхонаси директори Ҳайдар Камолов бетоблиги туфайли хусусий корхона фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлмай қолди. Корхонани вақтинча бошқариш вазифасини буйруқ асосида корхона бош бухгалтери Азимов Хасанбойга юклади. Аммо корхона юрисконсулти Азизбек Турдиев бу ноқонуний эканлиги, хусусий корхонани фақатгина хусусий корхона директорининг ўзи бошқариши лозимлигини, директорнинг юқоридаги буйруғи бош бухгалтер Азимов Хасанбойнинг корхона директори вазифасини вақтинчалик бажариши учун асос бўла олмаслигини таъкидлади. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

31. 2020 йил ноябр ойининг 2 куни туманлараро суд даъвогар Тошкент шаҳар 2-автокомбинатнинг жавобгар С. га нисбатан пул ундириши ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик иши кўриб чиқилди. Жавобгар тегишли тартибда судга келиши ҳақидаги огоҳлантирилишига қарамай, суд мажлисига узрsiz сабабларга кўра келмади.

Шунинг учун суд ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишликни лозим топади. Аммо даъвогар жавобгарнинг иштирокисиз иш юритишга рози бўлмайди, суд эса аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

32. Туман судида 2020 йил октябрь ойида Х. нинг Т. ни турар-жойдан чиқариш тўғрисидаги даъвоси бўйича тарафлар бир неча бор ишнинг кўрилиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинсада, суд мажлисига келмаганлар. Шундан сўнг суд тарафларнинг иштирокисиз ишни сиртдан кўриб чиқиб, сиртдан ҳал қилув қарорини чиқарган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

33. Носирова судга даъво билан мурожаат қилиб, 2016 йил июнь ойидан бошлаб Тошматов билан қонуний никоҳдан ўтмасдан турмуш қурганликларини, 2017 йил 2 августда Назира исмли қизи туғилганлигини кўрсатиб, боласи учун алимент ундиришни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди қуйидаги асосларга кўра, суд ҳал қилув қарорини бекор қилган.

Аниқланишича, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида, боланинг отаси сифатида жавобгар эмас, балки бошқа шахс бўлган Эрматов кўрсатилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

34. Нурматова судга даъво билан мурожаат этиб, 2020 йил 1 октябрда нафақага чиқиши муносабати билан "Жиззах почтаси" АЖнинг Зарбдор филиали директори лавозимидан озод қилиш тўғрисида ариза берган бўлсада, меҳнат фаолиятини давом эттирганлигини, 2020 йил 19 октябрда иш берувчининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 99-моддаси, яъни ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор

қилиш ҳақидаги буйруқдан беҳабарлигини кўрсатиб, ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун ҳақ ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

35. Т. Давлат мулк кўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарар қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Олий суд кассация шикоятини шу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинмаганлиги сабабли қайтарган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

36. Зарипова фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига ишга тиклаш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган. Даъво аризасида кўрсатилишича, 2020 йил 10 майда унинг билан иш берувчи ўртасида 2020 йил 10 ноябргача бўлган муддатга меҳнат шартномаси тузилган бўлиб, уч ойлик дастлабки синов белгиланган.

Бош директорнинг 2020 йил 19 июль ойидаги № 156-сонли буйруғига кўра, Зарипова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 82-моддасига кўра, яъни синов натижаси қониқарсиз бўлганлиги учун бекор қилинган.

Суд даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

37. Р. ўзининг “яхудий” миллатига мансуб эканлиги фактини белгилаб бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилди. Ушбу фактнинг белгиланиши паспортига тегишли маълумотни киритиш учун кераклигини кўрсатган. Суд аризачини “яхудий” миллатига мансуб эканлиги фактини белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

38. С. судга ЎзМУнинг “Ҳуқуқшунослик” факультетини тамомлаганлик фактини белгилаб бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган. Судья ушбу аризани етарли асослар мавжуд эмаслигини кўрсатиб, қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

39. Д. Туманлараро судга мурожаат қилиб, хотини бўлмиш Т. ни муомалага лаёқатсиз деб топишни ҳамда унинг қармоғида бўлган фарзанди Р. ни унинг тарбиясига олиб беришни сўраб, судга ариза билан мурожаат қилган. Аризага Т. нинг рухий касалликлар шифохонасида даволанаётгани тўғрисидаги маълумотномани илова қилган. Суд мажлисига аризачи Д. ва Т. даволанаётган шифохона вакили жалб этилган. Шифохона вакили Т. ҳақиқатда рухий касалликка чалинганлиги тўғрисида кўрсатма берган.

Суд Т. ни муомала лаёқати чеклаш тўғрисида ҳамда унинг тарбиясида бўлган Р. ни аризачи Д. нинг қармоғига олиб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

40. Расулов Марказий Руда бошқармасининг 3-автокорхонасида ҳайдовчи лавозимида ишлаб келган. 2019 йил 23 августда Расулов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди билан, яъни прогул учун бекор қилинган.

Суднинг 18.09.2019 йилги ҳал қилув қарорига кўра, Расулов билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигини кўпол равишда бузилганлиги натижасида бекор қилинганлиги боис, у ишга тикланган.

Суд ўз ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида Марказий Руда бошқармаси вакилига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа имзо чеккан мансабдор шахсга регресс даъво тақдим қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

41. Туманлараро судига Л.Турдиева бир ярим ёшли ўғлини отаси О.Турдиевдан олиб, ўзининг тарбиясига бериш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат этган.

Ишда хулоса бериш мақсадида иштирок этаётган васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасида бола бир ярим ёшда бўлиб, туғилганидан онасининг тарбиясида бўлганлигини, онанинг ижобий ахлоқий фазилатларга ва бола тарбияси учун етарли бўлган моддий маиший шароитга эга эканлиги кўрсатилган. Туманлараро суд даъвогарнинг даъвосини рад қилган.

Туманлараро суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органи апелляция шикояти билан Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг судлов ҳайъатига мурожаат этган. Лекин мазкур шикоят иш юзасидан хулоса бериш мақсадида иштирок этувчи давлат бошқарув органлари суд ҳал қилув қарорларидан шикоят келтириш ваколатига эга бўлмаслиги кўрсатилган ҳолда қабул қилиш рад этилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

42. С.Рахимов судга даъво билан мурожаат қилиб, “Гаров-тараққиёт” АЖ га нисбатан ишга тиклаш ҳамда мажбурий прогул учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Туманлараро суд ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида С.Рахимов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида бўйруқ берган “Гаров-тараққиёт” АЖ раиси Т.Тошматовни ишда жавобгар тарафда иштирок этиш учун учинчи шахс сифатида жалб қилган.

Суд жараёнига даъвогар С.Рахимов билан бирга “Гаров-тараққиёт” АЖ раиси Т.Тошматов ҳам иш берувчининг вакили ҳам учинчи шахс сифатида иштирок этиш учун ҳозир бўлдилар.

Суд низоли ишни уларнинг иштирокида мазмунан кўриб, ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

43. Даъвогар Нурова З. оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво талаби билан жавобгар Мўминов Б.га суд орқали муурожаат қилади.

Судья аризани қабул қилиш жараёнида БХМнинг 2 баробари миқдорида давлат божи тўланишини талаб қилди ва даъво аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқарди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

44. Тадбиркор Д.Рахмонов вилоят ҳокимлиги лицензиялаш ишчи гуруҳининг қарорини ғайриқонуний деб топиш ҳақида судга даъво билан муурожаат қилган.

Суд даъвони қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати иш судга тааллуқли бўлмаганлиги учун суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

45. Даъвогар Р.Хайдаров туман солиқ инспекциясига нисбатан мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисида даъво аризаси билан муурожаат қилган.

Туманлараро судида иш кўзғатилган. Иш биринчи инстанция судининг судьясига 2020 йил 20 мартда берилган, лекин мазкур судьянинг декрет отпускасига кетиши муносабати билан суд раиси фуқаролик ишини бошқа судьяга топширган.

Мазкур судья фуқаролик ишини қайси босқичда қабул қилиб олган бўлса, ўша босқичдан кўришни давом эттирган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

46. Фуқаро С.Атаев судга фуқаро Б.Болиевга нисбатан етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво ариза билан муурожаат қилиб, ўз даъво талабларини асослаш мақсадида, бир йил олдин Б.Болиев ундан бир ойда қайтариб бериш шarti билан қарз олганини, Б.Болиев қарзни ўз вақтида

қайтармагани сабабли С.Атаев ҳакамлик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб Б.Болиевдан қарзни ундиришни сўраган.

Ҳакамлик суди С.Атаевнинг даъво талабларини қаноатлантирган. Аммо С.Атаев ўзининг пул маблағидан бир йилдан ортиқ вақт мобайнида мақсадли фойдаланмагани сабабли зарар кўрганини маълум қилиб, зарар ундириш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилган.

С.Атаев ўз даъво талабида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мавжудлигини кўрсатиб ўзининг даъво талаби юзасидан исботлашдан озод қилинган ҳолатлар мавжуд эканлигини кўрсатган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

47. О.Х. ўзининг яшаш жойидаги судга соғлигига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан АНОР хусусий корхонасига нисбатан судга мурожаат қилган. Суд О.Х.нинг ушбу аризасини судловга тааллуқлилик қоидалари бузилганлигини асос қилиб, қабул қилишни рад этади. Суд ўз ажримидан мазкур даъво аризаси билан жавобгар жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтиради.

Савол:

Суднинг ҳаракатлари тўғрими?

48. Собирова судга ариза билан мурожаат қилиб, 1959 йилдан Акаев билан эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини белгилашни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанцияси куйидаги асосларга кўра, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатган.

Аниқланишича, Собирова билан Жумаев 1959 йилдан ФХДЁ органида никоҳ тузмасдан, умумий хўжалик юритиш асосида бирга яшаб келганлар. Акаев 1989 йилда вафот этган.

Савол:

1) Мазкур фуқаролик иши қандай ҳал этилиши лозим?

49. Р.А. МДХ мамлакатларидан бирига кетган ва янги яшаш жойи аниқ бўлган О.П. билан тузилган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан ўзи яшаб турган жойдаги судга мурожаат қилади.

Савол. Мазкур даъво ариза бўйича ишнинг судловга тааллуқлилигини аниқланг.

50. Мирзамуротов ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида Мирзаевга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суднинг ажрими билан тарафларнинг келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш ФПКнинг 124-моддасига асосан тугатилган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати иш юзасидан чиқарилган суднинг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборган.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими шартига биноан, жавобгар Мирзаев ўзига тегишли бўлган Навоий кўчаси, 4-уйни даъвогар

Мирзамуротовга 2 йил муддатга вақтинча яшаш учун бериши, Мирзамуротов эса бунинг эвазига даъводан воз кечиши кўрсатилган. Иш ҳужжатларига қараганда, Навоий кўчаси 4-уй жавобгар Мирзаевнинг опаси Каримова номига расмийлаштирилган бўлиб, ушбу уйда Мирзаев ҳам рўйхатда турган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқланг?
- 2) Мазкур масаладаги фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳолатини аниқланг ва низоли иш қандай ҳал этилиши лозим?

51. Қодиров етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида Алимовга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суднинг ажрими билан жавобгар арз қилинган талабларни тан олганлиги сабабли иш юритиш тугатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган. Аниқланишича, Қодиров Қозоғистон давлатидан Алимовга тегишли бўлган пластмассадан ясалган стол ва стулларни олиб келган. Алимов ушбу товарларни олиб келиш учун сарфланган харажатларни Қодировга тўлашдан бош тортганлиги сабабли тарафлар ўртасида низо келиб чиққан. Ишни судда кўриш жараёнида жавобгар Алимов арз қилинган талабларни тан олиб, даъвогар сарфлаган харажатларни тўлиқ тўлашга розилиги баён қилинган аризани тақдим қилган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрим асослими?
- 2) Суд мазкур ишни қандай ҳал этиши лозим эди?

52. Туман судига А.А. ва А.С. лар оталари В. ни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлар. Суд аризачиларнинг оғзаки кўрсатмалари асосида В.ни амбулатория тартибида суд рухий экспертизасини ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарган ва ушбу ажримда экспертлар олдига “рухий касаллиги туфайли А.А. ўз ҳаракатларининг ахамиятига тушунадими ва уларни бошқара оладими?” деган савол қўйган.

Савол:

- 1) Суд қайси асосларга кўра суд рухий экспертизасини ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли бўлади?
- 2) Суд ажримда кўрсатилган экспертлар олдига қўйилган саволлар тўғрими?

53. Анваров фуқаролар Ҳалимова ва Зокировларнинг вакили сифатида жавогар Суроповага нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судда иш юритиш жараёнидан даъвогарларнинг вакили Анваров вафоти муносабати билан биринчи инстанция суди иш юритишни тугатган.

Савол: 1) Иш юрителишни тугатиш тўғрисидаги биринчи инстанция судининг ажрими асослими? 2) Иш юрителишни тугатиш асосларини кўрсатинг?

54. Туман ижтимоий таъминот бўлими ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан жавобгарлар Р.Набиев ва К.Набиеаларга нисбатан туманлараро судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро суд ўзининг ажрими билан аризани ҳаракатсиз қолдириб, ўз ажримини даъво аризасига ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинмаганлиги билан асослаган.

Биринчи инстанция судининг ажрими асослими? Суд қандай ҳаракат қилиши лозим эди.

55. А.Шарипов ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судда ишнинг кўрилиши давомида даъвогар А.Шарипов ўзига етказилган маънавий зарарни асословчи далиллар келтириб, тегишли тушунтиришлар берган бўлсада, лекин бу ҳусусда суднинг ҳал қилув қароридан ҳеч нарса кўрсатилмаган.

1) Суд қандай хатоликка йўл қўйган. Вазиятга ҳуқуқий ечим беринг.

56. Меросга оид фуқаролик ишини кўраётганда судья ўз ташаббусига кўра барча меросхўрларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг иштирокини лозим топди ва ажрим билан ишга жалб қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг?

57. Фуқаро М.Алиев фуқаролик ишлари бўйича судга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этганлиги учун нотариус устидан шикоят келтирди. Судья ажрим билан иш мазкур суднинг судловига тегишли эмаслигини асос қилиб қайтарган.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг?

58. Оталикни белгилаш тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганда давогар судга эксперт хулосасини тақдим қилиб, суддан уни асосий далил сифатида баҳолаб, суд учун мажбурий эканлигини эътироф этишни ва ушбу хулосага асосан жавобгарни болани отаси сифатида белгилашни сўради.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг?

59. Фуқаро М.Алиев фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2021 йил 15 майдаги ҳал қилув қарори устидан 2020 йил 15 июль куни апелляция инстанциясига апелляция шикояти билан мурожаат қилган. Апелляция инстанцияси суди томонидан шикоят ўз иш юритувига олиниб мазмунан кўриб чиқилган.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг?

60. Ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлган фуқаро И.Шамсиев ҳакамлик судининг 2021 йил 5 августдаги ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича судга ариза билан мурожаат қилган. Суд томонидан ҳакамлик суди томонидан иш мазмунан нотўғри ҳал қилинганлиги асос қилиниб, ижро варақасини бериш рад этилган.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг?

61. Рим фуқароси Флавий перегрин Стихдан 10 та буқа сотиб олди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмасдан буқалар касал бўла бошлади. Флавий Стих унга сифатсиз товар сотганлиги ҳақида судга мурожаат қилишга қарор қилди. Мазкур баҳс қайси ҳуқуқ нормалари ёрдамида ҳал этилади: *jus civile?*, *jus praetorium* ёки *jus gentium?* Муҳокама қилинг.

62. Отасининг рухсати билан ўғил ҳарбий хизматга ёлланди. Вақти келиб ўғил маълум лавозим ва мулкка эришди ҳамда ўз маоши ҳисобидан ер-мулк сотиб олди. Отаси омадсиз битим туфайли касодга учради. Ота кредиторлари билан ўғлининг мулки ҳисобидан ҳисоб-китоб қилишга ҳақлими? Муҳокама қилинг.

63. Тиберий Валерийни фарзандликка олди. Вақти келиб Валерий ўз номзодини консул лавозими учун тақдим этганда, Тиберий ўзининг оталик ҳокимиятидан фойдаланиб, унинг “ўзга шахс ҳуқуқида”лигини рўқач қилиб, унга буни тақиқлаб қўйди. Муҳокама қилинг.

64. Люций Клавдия биринчи турмуш ўртоғи билан ажралмасдан туриб Юлияга уйланди. Бу ҳолат Люция учун қандай юридик оқибатларга олиб келиши мумкин. Муҳокама қилинг.

65. Рим фуқароси Тибериуснинг учта набираси бор эди. Биттаси отаси билан яшаган бўйсунувчи ўғилдан туғилган. Бошқаси озод қилинган ўғилнинг оиласида туғилган. Учинчиси расмий никоҳда бўлган қизидан туғилган. Набиралардан қайси бирини бобо бошқаради?

66. Рим шахри яқинида кичик мулкка эга бўлган Луций оила қурди. Кўп ўтмай у ҳарбий соҳада ўз омадини синаб кўришга қарор қилиб, ҳарбий юришларнинг бирида иштирок этди. Бироқ, бахтсиз тасодиф туфайли Луций асирга олинди ва узоқ вақт чет элда бўлди. Уни вафот этган деб ўйлаган хотини Луцийнинг дўстига турмушга чиқди ҳамда мол-мулкка эгалик янги эрга ўтди. Луций қайтиб келди. У ўз мулкани қайтариб ололадими? Хотининичи?

67. Рим фуқаросининг эмансипация қилинган икки ўғли бўлиб, эмансипация қилинган турли провинцияларга кетишган эди. Эътиборсизликдан ранжиган ота меросни ўзига ғамхўрлик қилган қўшнисига васият қилиб қолдиради. Отасининг вафотидан хабар топган ўғиллардан бири зудлик билан Римга қайтади ва претордан васиятнома бўйича ворисга қарши ҳимоя сўрайди. У меросни ололадими? Кейинги ўғил ҳам отанинг вафотидан хабар топиб Римга қайтади ва отасининг мулкига эгалик қилиш мақсадида преторга мурожаат қилади. Унга претор қандай жавоб беради?

68. Қимматбаҳо буюмга бўлган мулк ҳуқуқига доир масала юзасидан низолашаётган иккита шахс, қимматбаҳо буюмни суд муҳокамалари даврига учунчи шахс (секвестор)га топширишди. Низолашаётган тарафларнинг бири суднинг қонуний қарор қабул қилинса ютқазишига олдиндан кўзи етгандан кейин, сақлаб туриш учун топширилган мулкни куч ишлатиш орқали қўлга киритмоқчи бўлди.

Рим ҳуқуқида мулк ҳуқуқи тушунчаси ва моҳиятини муҳокама қилинг. Секвестор эгалик қилиш ҳуқуқини интердикт тартибида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгами?

69. Гай Секстий ўзига тегишли бўлган буғдой ва сурат (расм)ни сақлаб туриш учун Луций Ицилийга топширди. Ушбу сақлашга топширилган ашёлар Луций Ицилийнинг ўзига тегишли донлар билан биргаликда сақланар эди. Орадан бироз муддат ўтганидан кейин чақмоқ уриши натижасида омбор ёниб кетди. Гай Секстий саёҳатдан қайтганидан кейин Луций Ицилийдан нобуд қилинган мулкни ўрнини қоплашни талаб қилади.

Масалада келиб чиқиб мажбуриятнинг келиб чиқиши ва тугатилишини муҳокама қилинг. Суд қарори қандай бўлиши керак?

70. Авл кўпдан бери Гайдаги ҳайкалчани ўзига 20 сестерцийга сотишини илтимос қилиб юрар эди. Бир куни Авл Тиберий ҳам шундай ҳайкалча излаётганини билиб қолди ва Гайда турган ҳайкалчани олиб Тиберийга кўрсатди ва у билан ҳайкалчани сотиш тўғрисида шартнома тузиб, 30 сестерций пул олди. Вақт ўтиб Гай Авлга ҳайкалчани сўраганда, Авл уни сотиб юборганлигини, унинг ўрнига 20 сестерций беришини айтди. Масалани қандай ҳал этиш мумкин?

71. Ер-мулк эгаси усталар бригадаси билан маълум бир жойда қурилиш ишларини амалга ошириш ҳақида пудрат шартномасини тузди, аммо кейинчалик ўйлаб кўриб айнан келишилган ишни шартномадаги эмас, балки бошқа жойда бажаришни таклиф қилди. Ишчилар рози бўлишди ва ишни бажаришди. Ҳисоб-китоб пайтида эса ер-мулк хўжайини нафақат бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан бош тортди, балки келишувнинг расмийлаштирилмаганидан фойдаланиб, гўёки керакли бўлмаган мажбуриятнинг бажарилганлиги учун кўрган моддий зарарини ундириш тўғрисида судга даъво киритишини ҳам айтди.

Мазкур ҳолатга баҳо беринг.

72. Тит Юнийдан баҳоргача сақлаб туриш учун бир неча қоп донни қабул қилиб олди. Тез орада Тит Фабийдан ер участкаси сотиб олди ва унга Юнийнинг донларини экди. Кузда Цельс Титга нисбатан ер участкасини талаб қилиб олиш мазмунидаги виндикацион даъво қўзғатди. Цельс ер аслида ўзига тегишли бўлганлигини ва Фабий ўзига тегишли бўлмаган мулкни сотганлигини асос қилиб кўрсатди. Бу судда ҳам исботланди. Тит ерни Цельсга ҳосилни йиғиб олгандан сўнг қайтаришини маълум қилди. Аммо ҳосилга бўлган ҳуқуқ Юний ва Цельсга тегишли деб топилди. Сабаби экилган уруғлик дон Юнийники ҳамда уруғ илдиз отган ер Цельсники. Ушбу вазиятда тушунмовчилик юзага келди.

Баҳсни қандай ҳал этиш мумкин?

73. Авл ва Тиберий юк ташишдан даромад олиш мақсадида кема сотиб олишди ва Аппийни капитан қилиб ёллашди, биринчи марта денгизга чиқишдаёқ кема танг аҳволга тушиб қолди. Юкнинг бир қисми зарарланди. Аппийга нисбатан даъво талаби билан чиқилганда у талабни қаноатлантиришдан бош тортди. Зарар кема эгаларидан ундириб олиниши мумкинми?

Авл ва Тиберий юкни ташиш шартномасини бевосита кема капитани билан тузишган. Тасаввур қиламизки, Авл зарарнинг 1/3 қисмини тўлашга рози бўлди, сабаби у кемани шунча қисмига эгалик қилади. У бунга ҳақлими?

74. Децим Маркдан уч йилга ер участкасини ижарага олди. Муддат тугагач Децим яна бир йил ижара ерида яшашда давом этди; Марк бунга эътироз билдирмади. Бешинчи йили Марк шартноманинг бекор қилинганлигини маълум қилди ва Децимдан ерни бўшатиб қўйишини сўради. Децим ўтган йили Марк ҳеч нарса демагани учун шартнома яна уч йилга узайтирилганини таъкидлади; бундан ташқари қишлоқ хўжалиги мавсуми ўртасида шартномани бекор қилишни талаб қилиш адолатдан эмаслигини айтди. Мавжуд вазиятни ҳал этинг.

75. Луций бозорда карам сота туриб, ўз маҳсулоти соғломни янада соғлом, касални эса тузатишини айтиб мақтай бошлади. Бел оғриғидан азобланаётган Марк унинг ёнидан ўта туриб, ўн бош карам сотиб олди ва бир неча кун ундан истеъмол қилса ҳам оғриқ ўтиб кетмади. Сўнгра у судга мурожаат қилиб, шартнома предмети сотувчи айтган хусусиятларга эга эмаслиги туфайли пулининг қайтариб берилишини талаб қилди. Марк Луций карам ҳамма дардга даъво эканлигини айтганини тасдиқловчи бир неча гувоҳларни олиб келди. Сизнинг қарорингиз.

76. Юлий Авлга ўз ер участкасини талаб қилиб олингунча муддатга, тарафлардан бири шартномани бекор қилишни истамагунча ижарага берди.

Юлий вафотидан сўнг ворис Авлдан ер участкасини бўшатишни сўради. Авл шартнома фақатгина унинг васияти ёки Юлийнинг васияти сабаблигина бекор қилиниши мумкинлигини айтди; Улардан иккиси ҳам вафот этсагина шартнома бекор бўлишини, ушбу ҳолатда эса умрбод бу участкадан фойдаланишга ҳақли эканлигини айтди. Авлнинг эътирозлари асослими?

77. Авл урушдан қайтгач уйи вайрон бўлиб ётганини кўрди, шунда дўсти Луций ўз уйини умрбод фойдаланиш ва ундан даромад олиш ҳуқуқи билан тақдим этди. Бир муддат ўтгач, Авл ўз уйини таъмирлади ва унга кўчиб ўтди, Луцийнинг уйини эса 5 йилга Титга ижарага берди. Шартнома тузилганидан бир йил ўтгач Авл вафот этди, Луций Титдан уйни тарк этишини талаб қилди, Тит эса Авлнинг ворисидан худди шундай уйни қолган 4 йил муддатга ўзига тақдим этилишини талаб қилди. Сизнинг қарорингиз.

78. Авл дўсти Тиберийга ўзига тегишли уйда ва ер участкасида умрбод яшаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда улардан ҳосил олиш ҳуқуқини ҳам берди. Авлнинг вафотидан сўнг Тиберий ва Авлнинг вориси ўртасида келишмовчилик юзага келди: биринчидан, ворис ўзининг ерга ва уйга бўлган мулк ҳуқуқидан келиб чиқиб Тиберий эндиликда фақатгига уй ва ерга эгалик қилиши мумкинлигини, ундан олинадиган ҳосил эса ворисга тегишли эканлигини эълон қилди; иккинчидан, Тиберий ворисдан ер ва уй учун солиқларни тўлашини талаб қилди; учинчидан, тарафлар қайси бирлари аллақачон эскириб бўлган уйни капитал таъмирлашлари лозимлиги юзасидан келиша олмадилар; тўртинчидан, довул туфайли ҳалок бўлган дарахтлар ўрнига ким янги дарахтлар экиши лозимлигини келиша олмадилар. Баҳсни ҳал этинг.

79. Децим қочоқ қулни бошқа шаҳарга олиб бориб сотиш учун ўғирлади. У Публийдан қулни уйда сақлаб туришни сўради. Бироқ Публий қул ўғирланганлиги билиб, қулни Децимга қайтаришдан бош тортди ва қулни эгасига қайтаришини билдирди. Децим Публийни омонат сақлаш шартномасини бузишда айблади ва судга мурожаат қилди. Қандай қарор қабул қилиниши керак?

80. Фуқаро А фуқаро Б га буқа сотди. Бироқ тез орада сотилган буқа кўп дон еб, бўкиб ўлиб қолди. Сотувчига нисбатан касал ҳайвонни сотганлиги тўғрисида даъво қўзғатилди. Бироқ суд муҳокамаси бошланишини кутиш мобайнида тарафлар келишувга эришдилар. Лекин суд муҳокамаси бошланишини муддати келганида даъвогар жавобгарни суд муҳокамасига келишини талаб қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

81. Анастасия ва Адриан бир неча йиллардан буён бефарзанд яшаётган эдилар. Бир куни уларга юрист Улпиан маслаҳат берди ва “улар рим конунчилигига кўра ҳеч қандай тўсиқларсиз фарзанд асраб олишлари

мумкин”лигини айтди. Эр-хотин ўз куллариининг вояга етмаган ўғил фарзандини асраб олишга келишишди ва ота-оналикни тасдиқлаб бериш учун преторга мурожаат қилишди. Претор эса уларинг мурожаатини рад этди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

82. Сенатор Марк бўш вақтини мароқли ўтказиш мақсадида театрга борди ва у ердаги маҳоратли актриса Верани кўриб, кўнгил кўйди. Бир неча кун ўтганидан сўнг улар турмуш қуришга қарор қилишди ва никоҳдан ўтиш, нон тишлар маросимини ўтказиб бериш учун руҳонийга мурожаат қилишди. Ўз навбатида руҳоний уларнинг мурожаатлари на қонунга ва на одатга тўғри келишини айтиб, қайтариб юбормоқчи бўлди. Сенатор Марк эса ўзининг сенатор эканлигини ва хоҳлаган усулида хоҳлаган инсони билан никоҳдан ўтиши мумкинлиги айтди ҳамда руҳонийнинг жавоби учун хали жазоланишини ҳам таъкидлади. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

83. Вики ўз қўшниси Падренинг иккита сигирини тунда ўғирлаб кетди. Уларни бозорга олиб бориб Клавдийга сотди. Бир неча кун ўтганидан сўнг сигирлар топилди ва Падре Клавдийдан уларни қайтариб беришини сўради. Ўз навбатида Клавдий уларни сотиб олганлигини, бир неча кун уларни боққанлини айтиб, қайтариб беришдан бош тортди. Падре эса сигирларни ҳақиқий эгаси у эканлигини рўқач қилиб, қайтариб олиш учун преторга мурожаат қилди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

84. Дилдора ўртоғи Замирага бир йил муқаддам 5000 АҚШ доллари миқдорда қарз берган эди. Замира Дилдорага қарз олганлиги ҳақида ўз қўли билан тилхат ёзиб берган эди. Лекин ушбу тилхатни нотариал тартибда тасдиқлатгани йуқ. Ҳозирда Замира қарзини қайтармасдан келмоқда. Дилдора Замирага қарзини қайтаришни, қўлида тилхат борлигини ва судга мурожаат қилишини айтгани, у тилхат нотариал тасдиқланмаганлиги учун кучга эмаслиги, шунингдек, қарз хорижий валютада кўрсатилганлиги, хорижий валютада олди- берди қилиш мумкин эмаслиги сабабли, ушбу қарз қонун томонидан тан олинмаслигини айтди. Ҳақиқатдан ҳам Дилдора қарзни қайтариб ололмайдими ёки қонунда бошқача ҳолат белгиланганми?

85. Завод директори билан қурилиш трестининг ишчилари Саманов ва Анорбоев ўзларининг меҳнат таътиллари вақтида заводга тегишли бинони таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида шартнома туздилар. Таъмирлаш ишлари вақтида Анорбоев оғир тан жароҳати олди (Саманов томонидан олиб келинган ва ўрнатилган циркуляр арра Анорбоев қўлидаги бармоқларини кесиб кетди) ва у меҳнат қилиш қобилиятини йўқотди.

Савол ушбу вазиятда юзага келган муносабатлар қайси ҳуқуқ соҳаси томонидан тартибга солинади?

86. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Зоиров Россияда яшайдиган ўғли Маликниқига даъволанишга бориб, у ерда бир йил яшаганидан сўнг

вафот этди. Зоировнинг ўғли меросни қабул қилиб олиш учун Самарқанд шаҳрига келди. Мерос таркибига ер участкаси ҳам кирар эди. Ер кодекси қоидаларига таянган ҳолда унга ер участкасига нисбатан меросни расмийлаштиришни рад этишди. Маликнинг фикрича, бу вазиятда Фуқаролик кодекси нормаларига асосланиш лозим, чунки ер кўчмас мол-мулк объекти ҳисобланади (ФКнинг 83-моддаси). Бундан ташқари, Маликнинг айтишича, мерос бўйича муносабатлар мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи қонунчилиги бўйича, яъни Россия Федерацияси қонунчилиги бўйича белгиланиши лозим.

Маликнинг фикрлари қонунийлигига баҳо беринг.

87. Ушбу ҳолатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик турларини аниқланг:

а) давлат корхонаси белгиланган тартибда акциядорлик жамиятига ўзгартирилди;

б) урта юридик шахснинг қўшиб юборилиши натижасида янги юридик шахс вужудга келди;

в) Асанов Чориевга 15 млн сўм қарз берди ва Валиев билан тузилган шартномага мувофиқ Чориевдан қарзни талаб қилиш ҳуқуқини унга берди;

г) Латиповнинг вафотидан кейин унинг мол-мулки қонуний ворислик асосида ўғлига ўтди.

88. 20 ёшли Вохидов спиртли ичимликка ружъу қўйиб ўзининг иш ҳақини фақат шунга сарфлар эди. Вохидовнинг ота-онаси ўғлини алкоғолга қарамликдан қутқариш мақсадида судга уни муомала лаёқатини чеклаш илтимоси билан мурожаат қилишди. Вохидовнинг отаси ўзини ҳомий қилиб тайинлашни сўради. Ўғли эса ўзининг муомала лаёқати чекланишига қаршилик қилди, унинг фикрича, у оиласини қийин моддий аҳволда қолдираётган йўқ. Отаси ва онаси ишлаши ва катта маош олишади, бунинг устига отаси тез-тез китоб ва мақолалар чоп эттиради ҳамда бунинг учун катта миқдордаги муаллифлик ҳақи олади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

89. Автоҳалокат натижасида шикастланган Лапаев кучли бош оғриғидан азият чекарди. Врачларнинг тавсияси бўйича у қишлоққа яшагани жўнаб кетди. Шу сабабли у ўзига тегишли уй-жойни сотди, мебел, китобларни танишига совға қилди. Бундан хабар топган Лапаевнинг синглиси Солиева акаси томонидан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво кўзғатди. Таъкидлашича, акаси муомалага лаёқатсиздир, чунки у томонидан олинган жароҳатнинг характери, шунингдек у томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий табиати акасининг руҳий хаста эканлигига шубҳа қолдирмайди. Лапаев судга синглиси томонидан кўзғатилган даъвони қўриб чикмасликни сўради. Солиева эса суддан акаси томонидан берилган аризани эътиборга олмасликни, чунки бу ариза акасининг муомалага лаёқатсизлиги оқибати эканлигини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

90. Тулпор МЧЖ раҳбари Раҳимов тендерга қўйилган мактаб биносининг қурилишини олиш мақсадида ҳужжат тайёрлаш ишларини бошлади. Бунинг учун юрист Абдуллаевни ёллади. Икки тараф ортасида топшириқ шартномаси тузилди. Унга мувофиқ Абдуллаев Раҳимов учун тендер ўтказиш билан боғлиқ битимларни тузиши лозим эди.

Абдуллаев тендер билан боғлиқ шартномаларнинг ярмини тузди. Тендерга 5 кун қолганда юристнинг отаси вафот этди ва битимларнинг қолган қисми тузилмади. Бу ҳақда Абдуллаев Раҳимовни огоҳлантирди ва топшириқ шартномасидан воз кечишини маълум қилди, лекин Раҳимов бунга эътироз билдириб топшириқ шартномаси тузилгандан кейин тарафлар ундан воз кечолмаслигини маълум қилди. Абдуллаев эса ўзида топшириқ шартномасини ҳар қандай вақтда бекор қилиш ҳуқуқи мавжудлигини билдириб ўзи шу пайтгача тузган барча хизматлари учун хизмат ҳаққини талаб қилиб судга мурожат қилди.

Вазиятни муҳокама қилинг.

91. Турмуш ўртоғим дипломатик хизмат ходими бўлганлар. Турмуш ўртоғим билан чет элда бўлган давримда мутахассислигим бўйича ишлай олмаганман. Эшитишим бўйича мана шу ишламаган даврим меҳнат стажига кирар экан. Шу тўғрими?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

92. Мен меҳнат дафтарчамни йўқотиб қўйган эдим. Энди ишга жойлашмоқчиман, бироқ кадрлар бўлими мендан меҳнат дафтарчамни талаб қилмоқда. Улар айтишича охирги ишлаган иш жойим тиклаб бериши керак экан. Охирги иш жойимдаги кадр ходими эса ҳозирги кунда электрон меҳнат дафтарча тизимига ўтилганлиги сабабли йўқолган меҳнат дафтарчасини қоғоздаги намунаси берилмаётганлиги сабабдан тиклаб бера олмаслигини айтди. Мен меҳнат дафтарчамни, иш стажимни қайта тиклаш учун нима қилишим керак? Энди ишга қира олмайманми? Пенсияга чиқиш вақтимда 17 йиллик иш стажим йўқ бўлиб кетадими?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

93. Бир танишим поябзал ишлаб чиқариш фабрикасига ишга кирганди. Корхона раҳбарлари ишчиларига агар истасангиз жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси очиб беришимиз мумкин, фақат бунинг учун ҳар ой маошингиздан 300.000 сўм ушлаб қоламиз дейишибди. Нега 300.000 сўм ушлаб қоласизлар деб сўрашса, агар пенсия дафтарчаси очиб берадиган бўлсак қўшимча солиқ тўлашимиз керак дейишибди. Шу нарса тўғрими? Бу ерда қонунбузарлик бўлмаётими?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

94. Ташкилотда ўзгариш бўлганлиги, ташкилотимизни номи ўзгарганлиги учун биз ходимларга огоҳлантириш хати беришди, ишдан бўшашга. Кўпчилик ходимлар 2020 йил учун меҳнат таътилига чиқолмади, энди меҳнат таътили нима булади? Ёки ишдан бўшашда ҳисоб-китоб қилиб бериладими?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

95. Вақтида меҳнат таътили берилмаса, бу қуяди. Фақат ишдан бўшаётганида фойдаланилмаган меҳнат татили учун пуллик компенсация тўланади. Ходимни иш ҳажми кўплиги сабабли таътилга чиқишини буйруқ қилиб кейинги йилга қолдириб турса бўлади, шунда кейинги йил таътил берилганда, таътил пулини 2 йиллигини бир йўла тўласа бўлади дейишди. Шунга нима дейсиз. Қанақа йўл тўғри бўлади?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

96. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайман, Пандемия сабаб ўқувчилар 1 йиллик академик таътилга чиқишди. Оқибатда мен ишсиз қолдим, 30 йиллик меҳнат вақтида кутилмаган ҳодиса, раҳбарият сизни бўшатишга мажбурмиз дейишди. Мен 1 йилга меҳнат таътилига (ойлик сақланмаган ҳолда) чиқишим мумкинми? Жавобингизни кутаман.

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

97. Дўстим пневмониядан вафот этди. Буйруқ чиқариш учун ўлим тўғрисида гувоҳнома зарур экан. Лекин пропискиси бўйича туман ФХДЁга мурожаат қилинганида марҳумнинг оила аъзолари ҳали мурожаат қилмаганлигини билдиришди. Агар ходимнинг номида мулк бўлмаса, оила аъзоларига бундай гувоҳнома зарур бўлмаса, иш берувчи томон қандай йўл тутади? Жавоб учун олдиндан раҳмат!

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

98. Турмуш ўртоғим шу йил САМДУни бошланғич таълимини тугатган. Августда чақалоғимизни дунёга келтирган. Ҳозир мактабга ишга олинг деб мурожаат қилса, мактаб директори ёш бола борлиги учун сизга мумкинмас, 4 ойдан кейин ишлашингиз мумкин дебди. Директорнинг гапи асослими?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

99. Ўзим яшаётган туманда бюджет ташкилотида ишлайман. Бизнинг ташкилот марказлашган бўлгани учун ҳамма ҳисоб китоб ва бошқа ишлар вилоят бошқармасида хал бўлади. Мен ҳозир меҳнат таътилидаман. Меҳнат таътили яқин кунларда тугаб қолади. Менинг шахсий ишларим кўплиги сабабли меҳнат таътили тугагандан сўнг ўз ҳисобимданми отпускми ёки қандай қилсам яна 5 кун шахсий ишларимни давом эттиришим керак. Нима қилиш керак ариза ёзишим керакми ёки кадрга оғзаки билдириб бирор нима қилсамми?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

100. Мен МТТда мудир бўлиб ишлар эдим. Мендан ариза сўраганида, аризани ёзиб бердим, кейин мени ишдан бўшатдилар, бу 2020 йил бошида бўлган эди. Бироқ менга туман бўлимидагилар меҳнат дафтарчамни беришмаган, бир икки марта бордим, лекин фойдаси бўлмаяпти. Мен бошқа ишга киромайпман, айтингчи мен нима қилсам бўлади?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

101. Д.Чориев Техника коллежини тугатиб ўрта маълумотли диплом билан 2012-2015 йиллар оралиғида Китоб тумани электр тармоқлари корхонасида механик ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 2019 йилда Тошкент давлат техника университетини битириб, 2020 йил мазкур корхонага механик бўлиб ишга кирди. Корхона раҳбари меҳнат шартномаси тузилаётган пайтда унга нисбатан уч ойлик дастлабки синов муддати белгиланганини айтди. Орадан бир ой ўтгач, иш берувчи Чориевга дастлабки синов муддатини яна бир ойга чўзганлигини маълум қилди. Иш берувчининг мазкур ҳаракатларидан норози бўлган Чориев туман меҳнат инспекторига муурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

102. Фуқаро Жалилов яшаш ҳуқуқида жойлашган овқатланиш масканларининг бирига ишга қабул қилинди. Орадан 17 кун ўтгач Жалилов ошхона раҳбаридан нима сабабдан у билан меҳнат шартномасини тузмаётганлигини сўради. Ошхона раҳбари эса уни доимий иш билан таъминлай олмаслигини, яъни у фақат ёз ва куз мавсумида ошхона миждозлари кўп бўлганда иш билан таъминлай олишини айтди. Унинг фикрича бунинг учун эса, ёзма меҳнат шартномасини тузиш шарт эмас.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

103. Фуқаро Давлатова Л. Бектемир тумани сувсоз корхонасига ходимлар бўлими нозири сифатида 21.05.2021 йилда ишга қабул қилинди. Орадан 3 кун ўтгач у меҳнат фаолиятини бошлаш учун корхонага борди. Давлатованинг мазкур ҳаракатидан норози бўлган корхона раҳбари ундан нима сабабдан ишга уч кун кеч келаётганини сўради. Бунга жавобан Давлатова у билан тузилган меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш куни белгиланмаганлиги, шу сабабли у ўзи истаган вақтида ишни бошлаши мумкинлигини билдирди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

104. Фуқаро Т.Собирова ўз уйи яқинидаги мактабларнинг бирига фаррош бўлиб ишга кирди. Орадан 3 кун ўтиб у билан меҳнат шартномаси рус тилида тузилди ва сақлаш учун кадрлар бўлими бошлиғига берилди.

Т.Собирова кадрлар бўлими бошлиғига рус тилини билмаслигини, шу боис унга меҳнат шартномасини ўзбек тилига таржима қилиб беришини илтимос қилди. Кадрлар бўлими раҳбари у бунга мажбур эмаслигини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

105. “Бўрон” МЧЖ директори К.Раҳимов корхона юристига корхонада фаолият кўрсатаётган барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига ўзгартириш киритилиши лозимлигини таъкидлади. Яъни 2021 йил сентябр ойининг биринчи ҳафтасидан барча ходимлар бир кунда 12 соат ишлаб беришини ва натижада уларнинг иш ҳақиға 500.000 сўм миқдоридида кўшимча ҳақ тўланишини билдирди. Бунга сабаб қилиб, корхонада ишлаб чиқарилаётган товарлар жуда харидоргир бўлиб бораётганлигини ва уни кўп миқдорда ишлаб чиқариш зарурлигини кўрсатди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

106. 15 ёшли Фуқаро Л.Каримова Наманган вилояти муסיқали драма театрига 0.5 ставкага актриса бўлиб унинг онасининг ёзма розилиғи асосида ишга қабул қилинди. Орадан, уч ой ўтиб, Наманган шаҳар меҳнат инспектори театр раҳбарига меҳнат муносабатларига киришиш ёшига етмаган шахсни ишга қабул қилганлиғи учун жарима белгилади. Инспекторнинг таъкидлашича, меҳнат кодексининг 77-моддасида ишга қабул қилиш ёши 16 ёш қилиб белгиланганлигини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

107. Фуқаро Т.Достонов ўзи яшаб турган туман бандликка кўмаклашиш марказида ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Унга 21.02.2021 йилда кўшни тумандаги ободанлаштириш бошқармасига ишга кириш учун йўлланма берилди. У ўша куннинг ўзида бошқармага ишга кириш учун ёзма мурожаат этди. Мазкур мурожаатга жавобан иш берувчи бошқармада бўш иш йўқлигини ва келаси ой қайта мурожаат қилиб кўриши таклифини берди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

108. ОТМда ўқитувчи вазифасида ишлаб келаётган эдим. Муддатли меҳнат шартномаси 12.08.2021 йил тугаши керак эди. Аммо бундай бўлмади. 13 августдан ишга чақиринди. ОТМ филиали Услугий кенгаши томонидан меъёрий ҳужжатларни имзолатиб, ўқув жараёнида фойдаланиш учун тавсия беришди. 10 сентябргача ишладим. Шу орада 3 жуфтлик дарс ҳам ўтдим. Бирдан ходимлар бўлими иш берувчининг мен билан меҳнат шартномаси тузмаслигини айтди. Шундан кейин 21.08.2021 йил кунги сана билан меҳнат дафтарчам ва меҳнат шартномамни бекор қилинганлиғи тўғрисида мени таништириб имзо қўйдирди. Шу ишлари тўғрими?

109. Фуқаро М.Мақсудова Фарход ГЭСга котиб бўлиб ишга кириш учун мурожаат этди. ГЭС кадрлар бўлими ноziри у билан суҳбат қилишини, суҳбатга кеч қолмаслигини таъкидлади. Ушбу суҳбатда М.Мақсудова раҳбарият томонидан берилган барча саволларга аниқ ва мукаммал жавоб беришига қарамасдан у билан меҳнат шартномаси тузилмади. Бунга сабаб қилиб, унинг ҳомиладорлиги ва яна уч ой ишлаб ҳомиладорлик ва тўғруқ таътилига чиқилиши, бу ҳолатда унинг ўрнига яна бошқа ходим олишига тўғри келишини таъкидлади. Мазкур ҳолатда ўзининг меҳнат ҳуқуқлари бўзилди деб ҳисоблаган М.Мақсудова ўзи яшаб турган туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

110. Фуқаро С.Чориева ўзи яшаб турган туманда жойлашган умумтаълим мактабларининг бирига жисмоний тарбия ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилишини сўраб мурожаат этди. Мактаб раҳбарияти у билан суҳбат қилиш давомида унинг неча нафар фарзанди борлиги, турмуш ўртоғининг касби ва ижтимоий келиб чиқиши ҳақидаги барча маълумотларни яширмасдан айтишини талаб қилди. Мазкур берилган барча саволларга тўлиқ ва батафсил жавоб берган С.Чориева ишга қабул қилинмаганлигини яъни танловдан ўтмаганлигини билдиришди. Бунинг сабабини сўраганида эса, унинг бир ёшга тўлмаган фарзанди борлигини, бу эса унинг ўқитувчилик фаолиятига салбий таъсир этишини билдирди. Бундан қаттиқ норози бўлган С.Чориева туман меҳнат инспекторига мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

111. Фуқаро М.Мамасиддиқов Риштон туманида жойлашган “Сув ости қутқарувчилари” МЧЖга қутқарувчи сифатида ишга қабул қилишини сўраб ёзма равишда ариза билан мурожаат қилди. У мазкур мурожаатида 5 йиллик меҳнат стажига эга эканлигини ва бунгача ўнлаб инсонларни жонини сақлаб қолганлигини билдирди. Шундан сўнг мазкур МЧЖ раҳбари у билан ишга қабул қилиш юзасидан суҳбат ўтказди. Суҳбат натижасига кўра у ишга қабул қилинмаганлигини билди. Бунинг сабабини сўраганида унга сабабини маълум қилишга МЧЖ мажбур эмаслиги айтилди. Бундан қаттиқ жаҳли чиққан М.Мамасиддиқов туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

112. Мен ишлаб юрганымда касал бўлдим, лекин менга поликлиникадан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси берилган. Бухгалтерия нафақани тўламаймиз деяпти. Сабаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқ экан. Лекин, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси борку. Шу билан нафақани ололмайманми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

113. Фуқаро Н.Сотволдиева Тошкент шаҳар 4-сон шаҳар тўғруқ комплексига генеколог бўлиб ишга қабул қилинди. Ишга қабул қилинаётганда ундан саломатлиги аҳволи ҳақидаги маълумотнома ҳам олиб келиши талаб қилинди. Бундан норози бўлаган Н.Сотволдиева ўзи яшаб турган Бектемир туман давлат меҳнат инспекторига ариза билан мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

114. Фуқаро И.Юлдошева ўзи яшаб турган туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира бўлиб ташқи ўриндошлик асосида ишга қабул қилинди. Бирлашма кадрлар бўлими нозири ундан меҳнат дафтарчасини тақдим этишини сўради. Бунга жавобан И.Юлдошева меҳнат дафтарчасини асосий иш жойи (МТМ) кадрлар бўлими бошлиғи бермаганлигини, унинг ўрнига шу корхонада меҳнат фаолиятини олиб бораётганлиги тўғрисида маълумотнома бериши мумкинлигини билдирди. Мазкур жавобдан қаттиқ норози бўлган туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи МТМ кадрлар бўлими бошлиғининг меҳнат қонунчилигига зид бўлган ҳаракати устидан Олмалиқ туман давлат меҳнат инспекторига шикоят аризаси билан мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

115. Фуқаро И.Иброҳимов Қашқадарё вилояти кўз касалликлар шифохонасига кўриқлаш хизмати бошлиғи лавозимига ишга қабул қилинди. Аммо, шифохона раҳбарияти ишга кириш чоғида ундан ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномасини тақдим этишини сўради. Бунга жавобан И.Иброҳимов мазкур гувоҳноманинг ишга умуман аҳамияти йўқлиги, қолаверса гувоҳномани олганига 14 йил тўлганлигини билдирди. Шифохона раҳбарияти агар мазкур гувоҳномани тақдим этишни рад этса, у билан меҳнат шартномасини тузмаслигини билдирди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

116. Фуқаро П.Баҳромова 12.03.2020 йилда “Samoviy orzular” МЧЖга сотувчи сифатида ишга қабул қилинди. П.Баҳромованинг илк марта ишга кириши эди. Орадан ўн кун ўтиб яъни, 22.03.2020 йилда П.Баҳромова кадрлар бўлими нозирига унга меҳнат дафтарчаси тугилган ёки тугилмаганлигини аниқлаш учун мурожаат қилди. Бунга жавобан унинг билан тузилган меҳнат шартномасида дастлабки синов муддати 3 ой қилиб белгиланганлиги боис, шу муддат ўтгандан сўнггина унга меҳнат дафтарчасини тугилиши мумкинлигини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

117. Фуқаро М.Толипова 2002 йилдан буён “Lesson press” нашриётида ўриндошлик асосида техник муҳаррир бўлиб ишлаб келди. Унинг асосий иш жойи эса “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий маскани эди. У ўриндошлик асосида фаолият олиб бораётган “Lesson press” нашриёти кадрлар бўлими раҳбарига мазкур нашриётда ишлаб келаётган барча йиллари ҳақида меҳнат дафтарчасига маълумот киритиб беришини илтимос қилди. Бунга жавобан “Lesson press” нашриёти кадрлар бўлими раҳбари мазкур ёзувларнинг меҳнат дафтарчасига акс этиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлайди. Мазкур ҳолатдан қаттиқ норози бўлган М.Толипова ўзи яшаб турган туман меҳнат инспекторига шикоят қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

118. Ф.Маманов узоқ йиллардан бери ТДЮУ қарашли ётоқхонада комендант бўлиб ишлаб келмоқда. 23.03.2020 йилда у ётоқхонага ичиб маст ҳолатда келди ва ётоқхонада турадиган кўплаб талабаларни кўракда турмас сўзлар билан ҳақорат қилди. Шундан сўнг яъни 24.03.2020 йилда у билан меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-қисми билан бекор қилинди ва бу Ф.Мамановнинг меҳнат дафтарчасида ҳам акс эттирилди. Меҳнат дафтарчасига киритилган мазкур ёзудан қаттиқ норози бўлган Ф.Маманова ўзи яшаб турган туман прокуратурасига ТДЮУ кадрлар бўлими ходимларининг бу ҳаракатлари қанчалик меҳнат қонунчилигига мос эканлиги юзасидан муножаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

119. Фуқаро Ч.Каримов 20.10.2020 йилдан бери Зомин туман молия бўлими архивида иш юритувчи бўлиб ишлаб келади. Аммо, у билан меҳнат шартномаси тузилмаган, яъни ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилмаган. Ч.Каримов шунчаки архив раҳбарининг ижозати билан иш бошлаган. Меҳнат қонунчилигини риоя қилишини назорат қилиш учун келган давлат меҳнат инспектори архив раҳбариятига жарима жазосини белгилади. Инспекторнинг мазкур қароридан норози бўлган архив раҳбари адвокатга мазкур ҳолатга қонунчилик асосида муносабат билдиришини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

120. Фуқаро А.Абдуллаева Қарши давлат университети таҳририй-нашриёт бўлимига ишга қабул қилинди. 20.04.2019 йилда у билан меҳнат шартномасида дастлабки синов ҳақида шартлашилмаган бўлишига қарамадан унга 4 ойлик дастлабки синов муддати белгиланди. Мазкур

ҳолатдан норози бўлган А.Абдуллаева университет раҳбариятига нима сабабдан дастлабки синов белгиланганлигини сўради. Бунга жавобан кадрлар бўлими бошлиғи ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш мақсадида гарчи меҳнат шартномасида шартлашилмаган бўлса ҳам, дастлабки синов белгилашини лозимлигини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.